



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 5 июн, шанба № 72 (719)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОРОМБАХШ ДАМЛАР СУРУРИ

Ўсиб келаётган ёш авлод камолоти йўлида тинимсиз гамхўрлик қилиш истиқлолга юз тутган мамлакатимиз раҳбарияти ва доно юртбошимиз диққат марказида турибди. Ёшлар-қолажагимиз. Пурмаъно ва сервиқор бу иборанинг жананга, акс-садоси бугун ҳар қачонгидан баралла янграмоқда. Негаки Ватанимизнинг порлоқ келажаги мамлакат аҳолисининг катта қисмини ташкил этгучи ёш йигит-қизлар тақдири билан чамбарчас боғлиқдир.

Фарзандларимиз қалбига покиза туйғулар, олижаноб фазилатларни синдиришда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Ёзги мавсум эса бундай ишлар учун айнаи муздадир. Бунда, шубҳасиз, касаба уюшмаларининг ўрни бўлакча.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши вилоят ҳокимлиги билан биргаликда ишлаб чиққан дастурлардан келиб чиқиб, мавжуд имкониятлардан оммилорлик билан фойдаланиш туфайли муайян қийинчиликларга қарамай мавсумни ҳар жиҳатдан мароқли ўтказиш чоралари белгиланган. Ҳали мактабларда охириги қўнғирок садолари янграмай ўнлаб оромгоҳлар сифатли таъмирдан чиқарилиб, мавсумга шайлаб қўйилди.

Мана 4-5 кундирки, 22 та шаҳар ташкаридаги ва 90 та мактаб олди оромгоҳида минг-минглаб сукули фарзандларимиз очқ ҳавода, ям-яшил табиат ҳайида мириқиб хордиқ чиқаришмоқда. Тегишли маблагни излаб топиш масалалари осон кечмаётган бўлсада, ёзги таътил жуда кўтаринки руҳда бошланди. Мавсум охиригача қамида 21 минг ўқувчи ёшлар ўзларининг бўш вақтларини оромгоҳлар қўйида ўтказишга муяссар бўладилар. Шу ўринда бир боланинг оромгоҳлар қўйида 18-21 кун хордиқ чиқариши учун ўрта ҳисобда 6777-7000 сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган бўлиб, йўлланма баҳосининг атиги беш фоизини тўлаш ота-оналар зиммасига тўғри келишини айтиб ўтиш зарур.

Бу маблагнинг асосий қисми — 69-70 миллион сўм вилоят касаба уюшмалари фондида ажратилиши кўзда тутилган. Кенг миқёсда амалга оширилмаган хайрли ва савоб ишдан «Камолот», «Болалар», «Наврўз», «Ҳалла», «Соғлом авучун», «Эко-сан» жамғармалари

### Касаба уюшмалари ва ёзги таътил

## «ТАСВИРИЙ ОЙИНА» - МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессияси материаллари ва Президентимиз Ислоом Каримовнинг сессияда сўзлаган маърузасида ўртага қўйилган вазифалар асосида «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлашда тасвирий тарғибот вазифаларини орқали ижтимоий-маънавий мухитни янада яхшилаш борасидаги вазифаларга бағишланган икки кунлик республика илмий-амалий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари вилоят ва Андижон шаҳри «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаларининг иш тажрибаси билан танишди. Уюшманинг вилоят ва шаҳар бўлими Андижондаги Чўлпон

номли боғда, «Андижон» теннис корти атрофидаги дам олиш хиёбонларида, боғи Бобур тарихий-маданӣ мажмуасида ва қартов ўқув юртларида тарғибот-ташвиқот марказларини ташкил қилгани қайд

этилди. Айнаи вақтда уюшма фаоллари ташаббуси билан Андижоннинг 16 манзилида катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, кадриятларимизни улғайтишга қўйилган ўнлаб таълим ва тарғибот вазифаларини амалга оширишда ҳам бир ижодий учрашув, кўрғазмаларни ташкил этишда, меҳнат жамоалари тарғибот марказларини жиҳозлаш ва безатишда «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг хизмати катта бўлмақда. Улар вилоят теле-радиокомпанияси, вилоят шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган

бошқа телестудиялар ҳамда чоп этилаётган газеталар жамоалари билан ҳам шартномалар асосида ижодий ҳамкорликни йўлга қўйганлар. Тадбир қатнашчилари Избоскан тумани «Тасвирий ойна» бўлимида ҳам бўлиб, ижодий жамоанинг тумандаги маънавият ва маърифат маркази филиали ва халқ таълими бўлими, шунингдек, турли ташкилот ва жамғармалар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларига оқори баҳо берди. Шунингдек, семинар

иштирокчилари водий вилоятлари «Тасвирий ойна» ижодий уюшмалари бўлимлари томонидан уюштирилган «Энг улғу, энг азиз», «Аждодлар ёди» тасвирий кўрғазмили тарғибот марказларини кўздан кечирдилар. Кенгашда мазкур бўлимлар томонидан қарий икки йил давомида амалга оширилган ижобий ишлар таҳлил этилди, бу борада йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Н.Жўраев, А.Зиё, вилоят ҳокими К.Обидов сўзга чиқди.

К.НИЗОМОВ, ЎЗА мухбири.

### МАКТАБ МУКОФОТ ОЛАДИ

Вилоят халқ таълими бошқармаси эълон қилган ўзига хос танлов шартлари ана шундай. Танловда қатнашган мактаблар мукофот олиш билангина чекланиб қолмайди. Таъмирлаш ишларида фаол иштирок этган ўқувчиларга Ўзбекистоннинг тарихий жойларига уюштирилган сафарга йўлланма берилди. Наманган туманидаги барча мактаблар ҳозирнинг ўзидаёқ янги ўқув йилига тайёр қилиб қўйилган. Кўпчилик жамоалар таъмирлаш ишларида сарфланмаган пулни маҳаллий ҳокимият ажратган эр устакларида ишлаб олган.

Халқ таълими бошқармаси ходимларининг фикрига қўра, келажақда вилоятнинг барча мактаблари ўзининг ҳисоб рақамига эга бўлиши керак.


Яқинда, яъни, июл ойининг бошида танлов якули эълон қилинади. Қўлбларни мукофотлаш учун вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузурида ташкил этилган педагогларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ва рағбатлантирувчи «Мурабий» жамғармаси маблағидан фойдаланилади.

### ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Прокуратура, Президент ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо илмий-тадқиқотлар институти, олий ўқув юртлари раҳбарлари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар диний экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчилик сиёсий ҳодиса бўлиб, у ислом дини, маънавий ва умумбаъшарий қадриятларга қарши жиноят, қолаверса, жаҳолат ва маънавийсизликнинг бир қўриғини эканлигини таъкидладилар. Шу боис, бутун халқро жамоатчилик каби мамлакатимизда ҳам бу иллат инсон ҳаётига қарши оғир жиноят сифатида қаттиқ қораланмоқда.

Анжуманда ижтимоий, мафкуравий, маданӣ, ахлоқий, ҳуқуқий ва тактик кураш масалаларини ўз ичига олувчи ушбу хавфли жиноятчиликнинг пайини қўриқш масалалари хусусида фикр-мулоҳаза юритилди.



### ДОН - РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

Бу йил Жарқўрғон туманидаги Тўхта Шобуров номли жамоа хўжалиги галлакорлар ширкати янги мавсумни биринчилардан бўлиб бошлаб беришди. Мазкур хўжалик деҳқонлари ушбу йилда 900 гектар майдонга пахта, 740 гектарга эса «Юна» навли бўғдой экишди. Айнаи пайтда хўжалик далаларида галла ўрими қизғин бошлаб юборилди.

Жорий йилда галлакорлар 2960 тонна ҳосилни йиғиштириб олиш ва шундан 1924 тоннасини давлатга сотишни кўзда тутишмоқда. Ҳозирда 2 та «КЕЙС» ва 4 та «НИВА» комбайнларидан унумли фойдаланил-

моқда. Янги мавсумнинг дастлабки кунинда 70 гектар галла майдонидан 35-40 центнердан ҳосил олинди.

Шунингдек, ушбу хўжалик деҳқонлари галладан бўшаган майдонни пешма-пеш хайдаб, 240 гектар ерга эрталишар пахта-«Юлдуз» навини экишга киришдилар.

Суратда: комбайнчилар Асад ПИРИМҚУЛОВ, Абдуқодир ТўРАЕВ, Рўзи САФАРОВ, Эшдавлал АЛИҚУЛОВ ва Бахтиёр МАХСУМҚУЛОВ, И. ХўЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

### ТАВБА-ТАЗАРРУ

## «ПРЕЗИДЕНТИМИЗ, ХАЛҚИМИЗДАН КЕЧИРИМ СЎРАЙМИЗ»

Инсон ўз қалбига берилган озорни, дил жароҳатини унутиши кийин.

13 феврал воқеалари ҳам Ўзбекистонликлар ёнидан бир умр кўтарилмайдди. Ахир, унинг оқибатида қанчадан-қанча бегуноҳ кишилар ҳаётдан бевақт кўз юмдилар. Албатта, бу мудиҳи воқеаларнинг келиб чиқишида ғарази мақсадларга эришолмай, аламзада бўлиб хорихда юрган ватанфурӯшларнинг қўли бор. Уларнинг кутқуларига берилганлар, ёлғон ваъдаларга учганлар аниқлашиб, кўпчилиги қўлга олинди, айримлари устидан суриштирув ишлари олиб борилаётти.

Яқинда биз Қарши туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги Нарзулла Жуманов билан учрашиб, «Ҳизбут-т-таҳрир» оқимига мансуб бўлган айрим ёшларнинг ҳаракатлари хусусида сўрадик. Маълум бўлишича, «Бешкент шаҳри яқинидаги «Бешкент» жамоа ширкат хўжалигида яшовчи бир гуруҳ ёшлар ҳам бу норасмий экстремистик оқимга билиб-билмай кириб қолганликлари ҳақида туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилишган.

Ана шундай ёшлардан беш нафари ўз ихтиёри билан мурожаат қилиб келишди. - дейди Н.Жуманов. - Қолган ташкилотчилар қўлга олиниб, айнаи пайтда тергов ҳаракатлари олиб борилаётти.

Кўйда ички ишлар идораларига бош эгиб келган ва бу воқеалар хусусида фикр юритмокчи бўлган ёшлар, уларнинг ота-оналари афсус-надоматлари берилган.

### КЎР ХАССАСИНИ БИР МАРТА ЙЎКОТАДИ

16 феврал воқеалари басир кўзларимизни очди. У барчамизни хушёрликка даъват этди.

Одамзот қандайдир қинғир йўлларга кириб қолганлигини сезмай қоларкан. Бунга ўзимнинг ҳаётим киёс. Қишлоғимиздаги айрим тенгдошларим Мухаммади исмли кишидан савод ўрганаётганлигини эшитган эдим. Намоз ўқиб, эскичадан савод чиқариш учун уларга эргашиб мен ҳам бирга борадиган бўлидим. Аввалига унча аҳамият бермаган эканман. Қандайдир йўллар билан қалбимизни захарламокчи бўлганлигини кейинроқ тушундим. Мен Мухаммади акадан уч кун сабоқ олдим. Диний илмдан дарс бераётган «устоз-имизнинг ниятлари бутунлай бошқача экан. Боши берк қўчага кириб қолганимни кеч бўлса-да, англадим. Аммо ундан қандай чиқиб кетиш чораларини излаб арасотда турган бир пайтимда мухтарам Президентимиз Ислоом Каримов ёшларга мурожаат қилиб, ада-

шганлар бу йўлдан қайтсалар уларни кечиришларини айтдилар. Юртбошимизнинг бу сўзлари менга катта далда бўлди. Туман ички ишлар бўлимига бориб, нотўғри йўлга қадам қўйганлигимни тан олиб, эндиликда мустақил республикамиз раванқи учун бутун куч-гайратимни ишга солишимни баён қилиб ариза бердим.

Халқимиз, Юртбошимиз кечиришларини ўтиниб сўрайман ва қилган барча гуноҳларим учун тавба-тазарру қиламан. Зеро, биз ёшлар ақидапарастлар ҳаракатини қаттиқ қоралаймиз. Уларнинг сўзига учиб, бизларни деб туну кун захмат чеккан отам Ором Жаббаров ва бошқа яқин қариндошларим юзини ерга қаратганимдан сўнгиси пушаймонданман. Мен сингари тўғри йўлдан адашганларни эса тезлик билан бу хатарли йўлдан қайтишга даъват қиламан.

Жамшид ЖАББОРОВ.

### ҚАЛБИМ ИЗТИРОБДА

Катта хатога йўл қўйганлигимни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади...

Ўтган йилнинг декабр ойи охирилари эди. Муллачилик қилиб юрган Мухаммади деган бир киши билан учрашиб қолдим. У менга эскичага ўқитаман, агар истасанг, уйимга бор, деди. Январ ойининг ўрталарида унингига бориб, уч кун «сабоқ» олдим. Тўғриси, сабоқлари менга унчалик ёқмади. Кейинчалик билсам, бизга «Ҳизбут-т-таҳрир» оқимидан «дарс» берилаётган экан. Яхшиямки, вақтида кўзим очилди. Йўқса, билмадим, оқибати нима билан тугарди. Зудлик билан туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилиб, нотўғри йўлга кириб қолганимни, мени ва мен каби ёшларни кечиришларини сўрадим.

Президентимиздан билиб-билмай қилган гуноҳларимдан ўтишларини сўрайман...

Тоҳир ШАРОПОВ.

### ХАТО ҚИЛДИМ!

Отам Салим Холов шофёрлик қилдилар. Ўзи яхши ёмай-қиймай, бизни бировдан кам қилмай ўқитдилар. Аммо биз ўз фарзандлик бурчимизни оқлай олмадик. Аксинча, ноқобиллик қилиб, отамиз номига доғ туширдик.

Намоз ўқишни ўрганаман деб бир тўда ақидапарастлар гирдобига тушиб қолганимни сезмабман ҳам. Байрамали деган йигит мени ўзига яқин олиб қандайдир диний оқимга қўшиб олмақчи бўлди. Мен бунинг нима эканлигини шу йил 16 феврал воқеаларидан сўнггина англаб етдим. Юртбошимиз даъватларидан сўнг туман ички ишлар бўлимига бориб нотўғри йўлга кириб қолганимга икром бўлдим.

Отажон ХОЛОВ. (Давоми 2-бетда).

### Жазорда Африка Бирлиги Ташкилотининг террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги Африка конвенцияси лойиҳасини ишлаб чиқишга бағишланган анжумани бўлиб ўтди.

Бу тадбирнинг Жазаорда ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Чунки террорчилик туфайли энг кўп зарар кўрган бу мамлакат унга қарши кураш борасида китъа мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Айнаи Жазорда 1998 йил декабрда террорчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида Африка конвенциясини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиққан. Анжуман икки босқичда ўтди. Биринчи босқич-

да 35 мамлакат вакиллари Африка давлатларининг террорчиликка қарши курашдаги имкониятларини ошириш йўлларини ўрганиб, конвенция лойиҳасини ишлаб чиқди. Шундан кейин, китъа давлатларининг ички ишлар ва адлия вазирлари иштирокидаги навбатдаги босқичда хужжат лойиҳаси маъқулланди. Шунингдек, ушбу хўжалик деҳқонлари галладан бўшаган майдонни пешма-пеш хайдаб, 240 гектар ерга эрталишар пахта-«Юлдуз» навини экишга киришдилар.

## Тезкор шарҳ АФРИКА ТЕРРОРГА ҚАРШИ

ланган. Бундан ташқари, йиғилиш давомида конвенцияга қўшилган давлатларнинг миллий қонунчилигига ҳам маълум ўзгартиришлар киритиш ҳақида музокаралар олиб борилды. Шунингдек, ушбу хўжалик деҳқонлари галладан бўшаган майдонни пешма-пеш хайдаб, 240 гектар ерга эрталишар пахта-«Юлдуз» навини экишга киришдилар.

Террорчиликдан қаттиқ азият чекаётган Африка бу иллатни тугатишга киришгани қувонарли, албатта. Сир эмаски, жаҳондаги «оловий нуқталар»нинг аксарияти мана шу китъага тўғри келади. Террор эса нотинч худудларни уя қилиб олади. АБТ саммитига барча Африка давлатлари конвенцияга қўшилса, бу китъадаги террорга барҳам бериш йўлида қўйилган залворли қадам бўлишига шубҳа йўқ.

Зохир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Шаҳодат ИХТИЁРОВА, Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари.

Элгизман, ночор яшапман деб айтишга тилим бормади,- дейди Ташлоқ туманида жойлашган якка-ёлғизлар кундузги дам олиш Марказининг мижози Тожибой ота Мирзаев. Президентимизнинг меҳрибонлигини, маҳаллий раҳбарларнинг бизга бўлган эътиборларини ҳар қандамда сезиб турибмиз. Бу ерда менга ўшаган 20 нафар қария ҳар кунни ўз саломатликларини мустаҳкамлайди. Очгини айтсам, уйимиздагидан кўра бу ерда меҳр-шафқат, ҳузур-ҳаловатни кўпроқ кўраймиз. Марказ ходимлари ҳам ўз ўғил-қизларимиздай бўлиб кетган.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати, тадбиркорлар, ҳомиш ташкилотлар, ҳокимликларнинг қўллаб-қувватлаши, моддий ва маънавий ёрдамлари ўз самарасини бермоқда. Натижада одамларнинг руҳи кўтарилмоқда, уларда бугунги кун ва келажакка чуқур ишонч уйғонмоқда.

Бугунги кунда корхона, ташкилот, жамоа ва ширкат ҳўжаликлари маблағлари ҳисобидан 2 минг 185 кишига қўшимча пенсиялар тўланмоқда. Саховат ва муруват уйларининг ўзига қарийб 2 миллион сўм миқдорда хайрия ёрдами кўрсатилди.

**ҲИММАТ КАМАРИ БЕЛДА**

Анджон вилоят ижтимоий таъминот бошқарманининг бошлиғи Қудратилла Ибайдуллаев биз билан суҳбатда шундай деди:

- Одамларимиз қалблаган

рида қанчадан-қанча туйғулар, эзгу ният ва мақсадлар мужассам. Шулардан бири - энг олий қадрият - саховатпешалиқдир. Ниятлари улуг, туйғулари покиза инсон саховатга, хайрли ишлар қилишга шошилади. Гапимнинг исботи учун бир мисол келтирай. Вилоят ил-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси касоба уюшмасининг раиси Шўхратбек Иброҳимов ана шундай саяҳи қалб инсонлардан. Умуман, биз бирлашма маъмурияти томонидан кўрсатилган гамҳўрликдан мам-

ташкилотларнинг ҳиммати яна бир қарра ташкилот айтасиз. Саховатни фақат кўйшга ўхшатиш мумкин,- дейди Нозимжон ака. Кўёш ўз нури билан еруққа ийликлик бағишлагани каби хайр-саховат ҳам етим-есирлар, ногирон кишилар қалбига умид ва ишонч бағишлайди. «Саховат» масканимизда 155 нафар ногирон ва ёлғизлар яшамоқда. Бир қўшма, ҳам дон, ҳам сув керак, деган гап бор. Давлатимиз ҳомий ташкилот-

ланган бино, ёруғ хоналарда яшаймиз. Телевизор, радио, газета-журналлар муҳайё. «Саховат» - ўз номига муносиб чинакам меҳр-шафқат уйига айланган.

**ЯККА-ЁЛГИЗЛАР КўНГЛИ ОЛИНДИ**

Тўрақўрғон тумани ҳокими Икромжон Нажмидинов ибратли ташаббус билан майдонга чиқди. Бу нимадан бошланди денг. Кўчама-кўча, маҳаллама-

нг сўмини ижтимоий ҳимоя учун ажратди. Бундан, айниқса кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва бошқа тоифадаги кишилар кўпроқ манфаатдор бўлиши. Шу тумандаги «Турсунхонобод» деҳқон-фермер ҳўжалигининг раҳбари Мажитхон Муртазоев 31 нафар якка-ёлғиз кишиларнинг кўнглини олиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам бермоқда.

«Муборака» фирмаси Чуст туманидаги 475 нафар кам таъминланган оиллага 5 тонна ун, 2 тонна гуруч тарқатди. Фирманинг 1998 йил ва жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида хайрия мақсадларига сарфлаган маблағи сал кам 1 миллион сўмни ташкил этади.

Вилоятимизда олиб борилаётган бундай савобли ишлар кўп,- дейди вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Махмуджон Абдуллаев. - Биз яқинда ҳокимлик билан келишган ҳолда яна қўшимча равишда мингта оиланинг рўйхатини олиб, уларни маҳаллий тадбиркорларга бириктириб қўйдик.

Халқимиз қалбига азалий қадриятларимиз билан нурланган саховатпешалиқ бизга бобо меросдир. Танти ва меҳнатсевар, бировга яхшилик қилишдан ҳузурланмаган, бир бурда нонни ўзгалар билан баҳам қўришга тайёр халқимиз, меҳрибон Президентимиз, қалби дарё одамларимиз бор экан, ҳеч ким ва ҳеч қачон бу юрда ёлғизланиб қолмайди.

Шўхрат МУРОДОВ, Эшонкул ХАЙДАРОВ.

**«ПРЕЗИДЕНТИМИЗ, ХАЛҚИМИЗДАН КЕЧИРИМ СўРАЙМИЗ»**

**БИР БОЛАГА ЕТИ ҚўШНИ ОТА-ОНА**

Беш нафар фарзандим бор. Умрим меҳнат билан ўтди. Емай едириб, киймай кийдириб фарзанд ўстирдим. Мактабда ўқиган фарзандларимни доимо назорат қилиб турардим. Лицейни муваффақият билан тугатган ўғлим Наврўз ўз билими билан олийгоҳга ўқишга кирди. Ҳозир 3-босқичда ўқияпти.

Азалдан халқимизда бир болага етти қўшни ота-она, деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Қўшнимизнинг фарзанди нотўғри йўлга кирса, унга беварфак бўлса, бу бизнинг катта хатоимиз. Ҳеч қачон беварфак бўлмайлик. Ўғлимни эскичимага ўқитаман, деб нотўғри йўлга бошлаган нокасларни ҳеч қачон кечирмаймиз. Уни қандайдир норасмий экстремистик оқимга кириб қолганлигини сездиғи онаси билан маслаҳатлашиб тегишли органларга билдирдик.

Муҳтарам Президентимиз ва олийҳиммат халқимиздан фарзандимиз Наврўз Рўзибоевни, оила аъзоларимизни кечирдишларини сўраймиз. Фурсатдан фойдаланиб, фарзандларни хато йўлга кириб қолган ота-оналарга муурожаат қилмоқчиман: нуридийдангиз тақдирига асло беварфак бўлманг. Токи улар йўлдан адашмасинлар.

Абдуҷамил РўЗИБОЕВ.

**НОҚОБИЛ ФАРЗАНД-УМР ЭГОВИ**

Ҳаёт гўзал. Турмушимиз жойида. Шу фаровонликка шўқроналик қилмасдан, қандайдир норасмий оқимларга қўшилиб кетаётган ёшларни кўриб хунобим ошади. Бир неча йил ҳуқуқшунос бўлиб ишладим. Дунёда адолатсизлик, ноҳақликни кўрсам, чидаб туролмайман. Бир эслаб кўринг, «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» ниқоби остидаги зугумдан қанчадан-қанча одамларимиз азият чекади. Уларнинг ортидан бўзлаб қолган фарзандларини бир кўз олдимишга келтирайлик-чи? Мустақиллик шабадаси эсиб, беғуноҳ қамалиб ётганлар Ортбошимиз сая-ҳаракатлари билан

озодликка чиқдилар, оиласи, бола-чақалари бағрига қайтдилар.

Ҳаётга теран кўз билан қарайдиган бўлса, мустақилликдан кейин ўтган 7-8 йил ичида асрларга татигулик ўзгаришлар содир бўляпти. Булар ҳаммаси халқимизнинг бахт-саодати учундир. Шундай экан, ярамас оқимлар таъсирига тушган ёшларга қарата кўзларингизни каттароқ очинглар, дейман. Ота-отангизни, қариндошларингиз юзини ерга қаратманг. Кучингизни юртимиз равақига учун сарфласангиз эр йигитнинг ишини қилган бўласиз.

Бешкент шаҳридан бир эмас, бир неча киши шу бўлмағур оқимга қўшилиб қолганлигини эшитиб, қалбим изтиробга тушди. Бундай номақбул йўл сизу биз учун уят-қу, ахир! Номимиз ва шаънимизга яраша иш тугтайлик. Муҳтарам Президентимизга раҳматлар айтаман. Бола хато қилса, ота-онаси кечиради. Ортбошимизнинг ҳам ёшларнинг билмай қилган гуноҳларидан ўтганликлари, бу уларга берилган яна бир имкониятдир. Бир-биримизга иззат-ҳурматли, меҳрибон ва садоқатли бўлайлик. Мен бир она сифатида юрагимдан қайнаб чиқаётган шу фикрларни қаламга олдим. Тинч, осуда ҳаёт ато қилингани учун беадаб шўқроналар айтаман.

Малика ҚОСИМОВА.

Ҳа, азиз муштарий, кимнингдир қаттиқ адашиши элу юрт, Ватан, миллат келажакка даҳл қилади. Сиз изтироб тўла сўзларини ўқиганларингиз ана шундай хатолиғ йўлга киришган. Оқибатда нафақат ўзлари, балки оқ ювиб, оқ тараган онаизор, ўзи емай едирган, киймай кийдирган отахонисининг пок номига доғ туширган, юзини ерга қаратган ношўқрлар.

Ўйлаймики, улар хатоларини юракдан ҳис қилишган, қўзлари очилган. Кимлардир ҳали ҳам гангиган бўлсалар, уларга мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларининг қуйидаги сўзларини эслатмоқчимиз: «Кўзингизни юминг, кўнгилик кўзга айлансин!».

Темир ҚУРБОН, Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» муҳбирлари.

**Ижтимоий ҳимоя: ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ йўналиши**

нунмиз. Бирлашма ташаббуси билан «Саховат» уйида истиқомат қилувчиларнинг эҳтиёжлари учун ҳар ойда 100-200 минг сўм пул, шунингдек кўрпа-ёстиқ жилдлари, мевасабзавот ва қандалот маҳсулотлари ажратилмоқда. «Намуна» савдо-саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси, Шаҳрихон туманидаги «Ривож» хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси ва бошқаларининг меҳр-муруватни тўғри қўйишнинг қўлини деярли сезмаймиз.

Шунингдек, Бутқора «Муруват» уйига «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги 30 минг сўмликдан зиёд, туман Қизил Ярим ой жамияти озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, кийим-кечак ҳада этди. Шаҳардаги «Саховат» уйи директори Нозимжон Ходдоронинг сўзларини эшитсангиз саховатли

лар, фирмалар, тадбиркорлар учун энг яхши шарт-шароитлар яратиб берган. Ўз ҳақ-ҳуқуқларидан самарали фойдаланаётган мутасаддилар жамоасини тараққиёт сари етакламоқда.

Энг йирик ҳомиимиз ил-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Кийим-кечакдан тортиб кўрпа-тўшаккача таъминлаб туришибди. У ёғини сўрасангиз, биз вилоятдаги 16 та ташкилот муруватидан баҳраманд бўляпмиз. Улар бизга 1998 йилда 665 минг 524 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатти.

Абдуллоҳон Эминов деган отахон ана шу Саховат уйида олти йилдан бери истиқомат қиларканлар. Оғизларидан бол томи шундай деди: - Аввало, давлатимизга раҳмат. Мустақиллигимизга минг шўқроналар бўлсин. Яхшилаб жиҳоз-

маҳалла, уйма-уй юриб текшириб чиқилса, туманда 40 нафардан ортиқ ногирон махсус аравачаларга муҳтож экан. Ногирон кишилар ўз уйи ва ҳовлисидан нарига боролмайди. Шундан сўнг ҳоким махсус қарор чиқариб, маҳаллий раҳбарларни уйларга бириктириб қўйди.

Бугина эмас. Ҳокимнинг ўзи биринчи бўлиб бир ногиронга ўз ҳисобидан аравача харид қилиб ҳада этди. Наманган ва Поп тумани ҳокимлари ҳам ташаббус изидан боришди. Ногиронлар, муҳтож кишилар рўйхати тузилиб, уларга амалий ёрдам бериш ишлари янада тезлаштирилди.

Вилоятда хайрли ишлари билан доғруғ қозонган Қосонсой туманидаги Ё.Худойбердиев номи жамоа-ширкат ҳўжалиги «Оила» йилда 175 миллион сўмлик даромад олди. Ҳўжалик раҳбари олинган даромаднинг 9 миллион 730 ми-

**OLAMDA NIMA GAP**

С ЯН ГАН. Шу йили Хитой ҳарбийлари сувоести кемасидан туриб «Цзюйлан-П» русумли баллистик ракетани синовдан ўтказди. Ушбу ракета билан 8 минг километр узокликдаги нишонни уриш мумкин. Бу ҳақда «Чайна деيلي» газетаси хабар қилди.

Газетанинг ёзишича, мазкур қурол 80-йилларда ишлаб чиқарилган «Цзюйлан-1»нинг мукамаллаштирилган вариантдир.

НИКОСИЯ. Кипр президенти Глафкос Клиридининг Хитойга олти кунлик давлат ташрифи бошланди. Кипр президентига ушбу мамлакатнинг таъқи ишлар, молия, савдо вазири ва бошқа расмий кишилари ҳамроҳлик қилмоқда.

Ташриф доирасида Г.Клиридин ХХР давлат кенгаши раиси Цзян Цзюмин ҳамда турли соҳа вазири билан учрашди. Учрашуларда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, Кипр-Хитой муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган бир неча ҳужжат имзоланиши кутилмоқда.

ЛОМЕ. Фарбий Африка мамлакатлари иқтисодий ҳамжамияти воситачилигида ўн кун давом этган музокара-лар натижасида Сьерра-Леоне ҳукумати билан унга қарши бирлашган инқилобий фронт ўртасида тинчлик ахдлашуви эришилди.

Шу муносабат билан имзоланган қўшма баёнотдан маълум бўлишича, ҳукумат тез кунлар ичида БМТ раҳнамолигида ҳарбий асирларни озод қилади. Бирлашган фронт эса ўз ҳарбийларини қуролсизлантириб, гаровда ушлаб турилган фуқароларни қайтареди.

**Меҳнат ардоқлаган кишилар**



Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номи ширкатлар уюшмасининг Аммогон қишлоғида уста Зариповлар оиласи истиқомат қилади. Қарийб 40 йилдан буён дурадгорлик кас-

бини эъозлаб келаятган Шамсиддин Зариповни ҳамқишлоқлари қўли гул уста сифатида ҳурматлашади. Ёғочга «жон» ато этиб, кўзини қувонтирадиган буюмлар ясаб, халқ турмуш шароитларини

Яқинда уста меҳмонхона жиҳозлари тўпламини ясаб тугаллади. Суратда: уста Шамсиддин Зарипов ўзи ясаган стулларни кўздан кечирмоқда.

**ФАЙЛАСУФЛАР АНЖУМАНИ**

Республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» мавзусида олтинчи республика анъанавий илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Олий ўқув юрлари, илмий-тадқиқот институтларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этган мазкур анжуманда давлатимиз раҳбари Ислам Қаримовнинг асарларида баён этилган қонун ва ҳуқуқ асосида фалсафа ва ҳуқуқ фанларини ривожлантириш масалалари ҳақида гап борди.

Анжуманда мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида фуқаролар маънавиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда сиёсий саводхонлигини оширишда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

**Иш ҳақларини ундириш борисида прокурорлик таъсир чоралари қўлланилаётими?**

Саволга ҳаётий бир мисол билан жавоб берсам. Худди шу масалада Сирдарё ГРЭСида тағ аҳвол юзага келди. Ишчи-

**ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ**

Мамлакатимизда экологик ҳолатни яхшилаш ва шу йўл билан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилаяпти. Ташкент вилоятини анана шу мақсадда 5-15 июнь «Санитария, гигиена ва экологик маданият кунлари» деб эълон қилинди.

«Экосан» халқаро хайрия жамғармасининг «Экология ва саломатлик» дастури доирасида ўтадиган мазкур кунлар давомида ша-

ҳар ва қишлоқларда кенг қўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, озодлик ва саранжом-саришталлик ишлари олиб борилади. Жойларда аҳолининг гигиена қоидаларига эришишига эришиши, касалликларини ананқилаш ва тиббий ёрдам кўрсатишни қучайтириш тадбирлари амалга оширилади. Экологик носоз ҳудудларга тиббий-инсонпарварлик ёрдами юборилади.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎЗА муҳбири

**Бозор шароитида омилкор, билимдон, ташкилотчи, катъиятли киши ютади. Ва аксинча, ханузгача ниманидир кутаётган, янгича шароитда ишлаганга ўзини тайёрлай олмаган, укүвсиз раҳбару мутахассис бош бўлган жамоада иш орқабга кетади. Режалар бажарилмайди, маошлар вақтида тўланмайди.**

Ҳўш, бунинг яна қандай сабаблари бор? Мухбиримиз Сирдарё вилояти прокурораси умумий назорат бўлими прокурори Умаржон Ўроков билан шулар хусусида суҳбатлашди.

Баъзи корхона, ташкилотлар, муассасаларда ишчи-хизматчиларнинг оилаб маош олмаётганликларининг гувоҳи бўляпмиз. Бунинг сабаблари, сабоқлари хусусида тўхталсангиз.

Бозор шароитида ишнинг кўзини билган, маъсулятини чуқур ҳис этган раҳбар иқтисодни юксалтириш ҳақида алоҳида бош қотиради. Бундай шароитда инсон фақат ўз кучига, жамоасига суяниши керак. Бахтга қарши айрим мансабдор шахслар муаммоларни омилкорлик билан енгишолмапти. Улар бунинг учун ички имкониятларни ишга солиш ўрнига кимнингдир ёрдамига кўз тикишмоқда. Натижада корхоналар, ташкилотлар қарза ботиб, ойлик

маошлар ҳам тўланмай келинаптир. Вилоят прокуратураси ходимлари меҳнат қонунчилиги асосан қатор йирик жамоаларда иш ҳақларининг тўланиши аҳволи юзасидан қатор текширишлар ўтказдилар. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қонунлар талабини бузган мансабдор шахсларга тегишли чоралар белгиланди. Бошқарув идораларига иккита тақдирнома, 19 та амрнома юборилди. 11 нафар раҳбар, мутахассис оғохлантирилди, 3 нафарига нисбатан интизомий ва даъво аризалари кўзғатилди. 9 та жиний иш очилди.

Халқимизда раҳбарни бежизга улуғлашмайди. Чунки ўзи бош бўлган жамоа отаси. Қўл остидаги ходим, ишчи-хизматчиларни маошсиз қолдирган кимса-

ларнинг жамоада ўз сўзи ва обрўга эга бўлишлари қийин. Шу боис ношуду, укүвсиз бошлиқдан худонинг ўзи арасин, деб ишчилар бекорга таъкидлашмайди.

Ўрни келганда бошланғич касоба уюшма ташки-

ланмаган иш ҳақи ундириб берилди. «Оқолтиндон» ҳиссадорлик жамиятида айниқса сўнги ойларида муаммолар кўпайганди. Жамоа аъзолари юқорида қайд этилган муддатда 14159 минг сўмлик маошларини ололмади сарсон бў-

лишган. Прокуратура ара-лашувидан сўнг 12800 ми-нг сўм ойлик маош сифатида тўланди. Шуларни кўриб мулоҳазага бериласан киши: ахир инсон у ким бўлишидан қатъий назар маош ололмаса, бола-чақасини қандай боқадир? Шундан кейин унинг кайфияти, туриш-турмуши ҳақида қандай гап бўлиши мумкин.

Муҳтожлик эзгу фазилатларимизни чеклайди. Табиийки, маошлар кечикиб берилаётган корхона, ташкилотларда меҳнат умундорлиги ниҳоятда паст.

Баъзи корчалонларнинг

**Сабаб ва сабоқ**

**«МАОШ НЕГА ВАҚТИДА БЕРИЛМАЙТИР?»**

лотларига ҳам баъзи эътирозларимиз бор. Кузатишлар натижасида шунга қатъий иқдор бўлдики, уларнинг баъзилари келишувчилик йўлини туттишган, ишчи-хизматчилар манфаатини қатъий туриб ҳимоя қила олмаётдилар. Чамаси, касабакўм раисларида изчиллик, қатъиятлик, дадиллик етишмаёттир. Маош берилмаётган жойларда масалани қўндаланг қўйган касоба уюшмаси йўқ ҳисоби. Аҳвол шундай бўлганда кейин бошқалардан нимани куттиш мумкин.

ларга берилмаган иш ҳақи 88176 минг сўмни ташкил қилиши аниқланди. Бу ҳолга беварфак қараб турмадик. Прокурор амрномаси билан иш ҳақининг муайян қисми ундирилди. Шундан кейин 79 нафар ишчи билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш имконияти яратилди. Жамоа раҳбари вази-фасини бажараётган Б.Абдураҳмонов эса оғохлантирилди. Шунингдек, Ховос тумани худудидаги Республика кимё моддалари захира базисида ишчи-хизматчиларга шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра тў-

лишган. Прокуратура ара-лашувидан сўнг 12800 ми-нг сўм ойлик маош сифатида тўланди. Шуларни кўриб мулоҳазага бериласан киши: ахир инсон у ким бўлишидан қатъий назар маош ололмаса, бола-чақасини қандай боқадир? Шундан кейин унинг кайфияти, туриш-турмуши ҳақида қандай гап бўлиши мумкин.

Муҳтожлик эзгу фазилатларимизни чеклайди. Табиийки, маошлар кечикиб берилаётган корхона, ташкилотларда меҳнат умундорлиги ниҳоятда паст.

Баъзи корчалонларнинг

лишган. Прокуратура ара-лашувидан сўнг 12800 ми-нг сўм ойлик маош сифатида тўланди. Шуларни кўриб мулоҳазага бериласан киши: ахир инсон у ким бўлишидан қатъий назар маош ололмаса, бола-чақасини қандай боқадир? Шундан кейин унинг кайфияти, туриш-турмуши ҳақида қандай гап бўлиши мумкин.

Муҳтожлик эзгу фазилатларимизни чеклайди. Табиийки, маошлар кечикиб берилаётган корхона, ташкилотларда меҳнат умундорлиги ниҳоятда паст.

Баъзи корчалонларнинг



Истиқлол шарофати

Мустиқиллик фикратимиз, шууримиздаги кўринмас кишиларни ҳам парчалаб ташлади. Энг муҳими, асрий кадрларимиз, азалӣ анъаналаримиз қайта тикланди. Ҳақиқатан ҳам тарихимизга адолат кўзи билан қарай бошладик. Тоталитар тўзумнинг маърифий йўналишдаги манфур ниятлари асосида ҳақсиз равишда камситилган Ўзбекистон тарихи қайта тикланипти. Янгидан-янги тарих китоблари, анъаналаримиз, ўлмас кадрларимиз ҳақидаги қатор монографик тадқиқотлар яратилмоқда. Аллома олимларимиз, буюк аждодларимизнинг юбилейлари ўтказилиб, уларнинг қадимига мансуб асарлар нашр қилинмоқда.

дов ана шундай забардаст олимларимиздан биридир. Қўқон хонлигида тарихнавислик мактаби мавзуда докторлик ишини муваффақият билан ҳимоя қилган ёш олим ҳар йили мустиқиллик байрамига муносиб совға ҳозирлашга ҳаракат қилади. У истиқлолнинг етти йиллигини нафақат Шарқда, балки Фарб мамалакатларида

уларнинг тарихнависликка оид асарларини тадқиқ ва тарғиб этиш олимга олам-олам завқ беради. Зотан, XIX асрнинг охири XX аср бошларида Қўқон хонлиги ҳудудида 40 га яқин тарихий-биографик, адабий-тарихий асарлар назму насрда, ўзбек, тожик ва араб тилларида яратилган. Фазлий Намангоний, Мушриф Исфарағий, Муҳаммад Ҳакимхон, Аваз

демиясининг Абу Райхон Беруний номидидаги Шарқшунослик институти кўлэмалар хазинасида сақланмоқда. «Тарихи Азизий» асари фактларга бой бўлиб, унда қимматли маълумотлар келтирилган. Муаллиф баъзи воқеалар баёнидан олдин ёки ёзилганидан кейин ахборотчиларнинг номларини ва манбаларини айтиб ўтади. Келтирилган бу рўйхатлар орқали унинг кўп манбалардан фойдаланганлигини кўриш мумкин.

Муҳаммад Азиз Марғилоний асари ўзбек тилида ёзилган бўлиб, у 5 боб, 166 фасл ва 436 бетдан иборат. Агарда асар бобларининг номланишига эътибор қилсак ҳам унинг нақадар кенг қамровли манба эканига ишонч ҳосил қилса бўлади. «Тарихи Азизий» анъанавий усулда муқаддас билан бошланиб, у 18 бетни ташкил қилади. Биринчи боб «Чингизхоннинг хуружи, айёми ҳукумати ва вориси тахтларининг урушлари баёни» деб номланса, иккинчи боб «Султон Амир Темура Кўрагоннинг қилган ғазоватлари, иқболи саодатлари, тариқати шуқуҳ салтанатлари, хуружи, қуввати ва ҳукумати мўрдори ва ҳам валиаҳд бўлган авлодлари баёни» дан иборат. Кейинги бобларда «ҳар қайси касбу хунар пири рисоласи» ва «Фарғона мамолики, яъни соҳиби тахт ҳазрати хонларининг берган ёриқлари» ҳақида фикр юритилади.

ВАПААН, ҚИЗИМ ДЕСАН, БАС  
Бугун юрагимда аллақандай ҳис, Туйғулар тошди севинчдан аста. Оламни қуршаган бир муаттар ис, Само юлдузлардан терар гулдаста.  
Хайратим кенгликка сингар бўлиб гул, Диёр сипқормоқда меҳримни бесас. Ватан, қизим десанг шунинг ўзи бас, Умримнинг мазмуни ўзингсан буткул.  
Дунё кўларимда очаётир юз...  
Муҳайё МИРСАИДОВА.

ТАРИХИМИЗНИНГ ҲАҚИҚИЙ МАНЗАРАСИ

ҳам барча даврлар учун давлатни, жамиятни бошқаришда, дину эътиқод поклигини, мамлакат яхлитлигини ва дахлсизлигини сақлашда, фуқаролар ҳақ-хуқуқлари ҳамда осойишталигини ҳимоя қилишда, яхши қўлланма сифатида эътироф этилган Низомулмулкнинг «Сийёсатнома» асарини форс тилидан таржима қилиб китобхонлар ҳукмига ҳавола этиш билан кутиб олган эди.

Муҳаммад Атор Ҳўқандий, Дилшод-Барно, Мутриб, Андалиб каби ўнлаб олимлар ўз асарларида XVIII-XIX асрларда Ўрта Осиёда муҳим ўрин эгаллаган Қўқон хонлиги тарихидан ташқари жаҳон тарихини, ўлканинг ўрта асрлар тарихини ва энг асосийси, Туркистоннинг янги тарихига оид маълумотларни берганлар.

Муҳаммад Азиз Қўқон хонлиги тарихи, сиёсий, иқтисодий ҳаётини батафсил баён этиш билан бир қаторда Фарғонанинг ўрислар томонидан босиб олинишини, кейинги сиёсий тузум, ўрисларнинг маҳаллий аҳолига бўлган аёвсиз муносабатларини ҳам тўлақонли акс эттиради. Шунинг учун ҳам Шодмон Воҳидов асарнинг худди ана шу қисмини Ўзбекистоннинг янги тарихини ёритишда муҳим ишончли манба эканлигини ҳисобга олиб, жузъий таҳрир ва изоҳлар билан тўлдирган ҳолда нашр этишни лозим топган. Ўйлаймизки, китобхонлар олимнинг «Маънавият» нашриётида куни кеча чоп қилинган «Тарихи Азизий» (Фарғона чор мустамлакаси даврида) китобини мустиқилликнинг саккиз йиллигига тайёрлаган муносиб совғаси сифатида қабул қилишади.

ТАЛПИНСА НЕТАЙ ҚУНГИЛ  
Чаман ичра нарғиз гул, Кўзим тушса ёнар дил. Ниғоҳимда не гуноҳ, Талпинса нетай қунгил.  
Қалбимни қилди асир, Парвоси йўқ бир бедил. Дил узиб кетолмасман, Талпинса нетай қунгил.  
Кўларимнинг ёшига, Эримайди тош қунгил. Тош қунгилни гул дедим, Талпинса нетай қунгил.  
Орази ойдан гўзал, Бевафодир ишқ азал. Шаънига битдим газал, Талпинса нетай қунгил.  
Гулноз АҲМАДЖОНОВА.

Истиқлол берган имкониятлардан фойдаланган ҳолда маънавиятимиз негизларига кўпроқ аҳамият беришимиз бугунги кунда табиий ҳолга айланди. Зотан, тарихий тафаккур маънавий меросимизнинг энг бой ва мазмунли қатламини ташкил қилади. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлида ва жаҳон тарихий жараёнига кириб боришда ана шу маънавий меросга таянмоқда. Президентимизнинг тарих фани ривож ва тарихий тафаккуримизни шакллантириш йўлида олиб бораётган сазой-ҳаракатлари ижтимоий фанлар билан шуғулланаётган олимларни янгидан-янги тадқиқотлар яратишга ундамоқда.  
Юртбошимиз Америка Қўшма Штатларида таҳсил олаётган ёшлар билан учрашганларида ҳали тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари кўплиги, халқимиз босиб ўтган узок ва тарихий йўлнинг ҳақиқий манзараси тўлиқ яратилмаганлигини, ёзилаётган асарлардан кўнгли тўлмаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Нафсиламбрини айтганда, ҳали ҳам баъзи тадқиқотлар ва эълон қилинаётган тарихий асарларда қадимий кўлэмаларга, илк манбаларга, архив материалларига сувиб иш кўриш ҳоллари камлиги кўзга ташланмоқда. Бу нарса ўтмиш ва бугунги кунимиз ўртасида, тарих ва келажак ўртасида маълум бўшлиқни юзга келтирмоқда.  
Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, тарихга ҳолис баҳо беришда манбалар катта аҳамият касб этишини дилдан ҳис қилган ва амалда улардан фойдаланаётган олимларимиз сафи кун сайин кўпайиб бормоқда. Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университети тарих факультетида ташкил қилинган ёзма манбалар, архив ва музей фондларини ўрганиш ва тадқиқ этиш, тарихнавислик Маркази раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Воҳидов тарихнависликка оид асарларини тадқиқ ва тарғиб этиш олимга олам-олам завқ беради. Зотан, XIX асрнинг охири XX аср бошларида Қўқон хонлиги ҳудудида 40 га яқин тарихий-биографик, адабий-тарихий асарлар назму насрда, ўзбек, тожик ва араб тилларида яратилган. Фазлий Намангоний, Мушриф Исфарағий, Муҳаммад Ҳакимхон, Аваз демиасининг Абу Райхон Беруний номидидаги Шарқшунослик институти кўлэмалар хазинасида сақланмоқда. «Тарихи Азизий» асари фактларга бой бўлиб, унда қимматли маълумотлар келтирилган. Муаллиф баъзи воқеалар баёнидан олдин ёки ёзилганидан кейин ахборотчиларнинг номларини ва манбаларини айтиб ўтади. Келтирилган бу рўйхатлар орқали унинг кўп манбалардан фойдаланганлигини кўриш мумкин.

Саломатлик посбонлари

Эл соғлиғи - юрт бойлиги эканлигини дилдан ҳис қилган пойтахтимиздаги 4-оилавий поликлиника шифокорлари Эски шаҳар ҳудудида яшовчи аҳоли саломатлиги ҳақида қайғуриб келмоқда. Улар тиббий хизмат кўрсатадиган 37581 нафар аҳолининг 14013 таси аёллар ва 11588 тасини болалар ташкил қилади.



ШУКУҲ



лан бош шифокор муовини, биринчи тоифали терапевт Дилдора Қаюмова.  
А.Насриддинова 6 фарзанд - беш қиз бир ўғилни тарбиялаб вояга етказган. Фарзандларининг ҳаммаси она изидан бориб, халқ саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.  
Ўз касбининг сирларини пухта эгаллаган, виждонан ишлаётган шифо масканининг саломатлик посбонларидан ҳамма мамнун.

Мазкур шифо масканида ёш шифокорлар ҳам бўлиб, уларга ўз касбининг усталари мураббийлик қилишмоқда. Худди шундай устоз шифокорлардан бири ги-

неколог-врач Аллома Насриддиновадир.  
— «Аллома опа 45 йилдирки, оқ халатта доғ турширмай ишлаб келаётган меҳнат фахрийларимиздан, дейди ифтихор билан».

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Ҳар тўғрида ЭҲМНИНГ ҲАЗИЛЛАРИ

Германияда яшовчи бир автомобиль эгаси бўйнидаги 10056 марка солиқни тўлаш тўғрисида 35 марта огоҳлантирилди. Фақат бир куннинг ўзида почтабон бечора автомобиль эгасининг уйига 17 марта келиб кетди.

Кейин маълум бўлишича, солиқ бошқармасидан электрон машина аниқ қилиб ёзилмаган олти рақамини ноль деб, яъни 1965 ни 1906 деб ўқиган эди. Шунинг учун ҳам солиқчилар автомобиль эгасидан 60 йиллик солиқ талаб қилишибди.

Ажиб дунё

АСАЛАРИ ҲУЖУМИ

Айни кунларда америкалик олимларни безовта қилиб турган асаларилар ҳозиргача бир неча ўнлаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди.  
Улар илк бор 1990 йилда Техас штатида топилган. У пайтда уларнинг сони ҳозиргача қараганда кам бўлган. Жанубий Америкада эса кейинги ўн йил мобайнида бу махлуқлар минглаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлишган. Ҳозирга қадар тиббиёт «Асалари-жаллодлар» тарқатадиган захарга қарши бирор тадбир қўлашга ожиз. Улар одатда бир лаҳзанинг ўзидаёқ одамга ташланишади.

дея ном берилди. Ўлим тарқатувчи бу асалариларга қарши ҳужум бошлаган америкалик асаларিশунослар муҳим бир муаммо билан тўқнашибди. Уларни оддий асаларилардан ажратиб олиш мушкул эди. Ниҳоят, ўтказилган кўплаб тажрибалар жаллодларни фақат учиб овози билангина фарқлаш мумкинлигини кўрсатди. Аммо ҳозиргача уларни бартараф этиш учун қандай усул қўлаш мумкинлиги муаммо бўлиб турибди.

Утган йилнинг декабр ойида хорватиянинг «Кроация» жамоаси ўйинчиси Дарио Шимич Миланнинг «Интер» жамоаси билан уч йиллик шартномани имзолаганди. Маълумотларга кўра 23 ёшли ўйинчи Италияга кўчиб ўтиши биланок дарҳол 3 миллион долларга яқин пул олади. Шунингдек ҳар йили 920 миң доллар миқдоридики қўшимча ҳақ олади.

Бу асаларилар тарихи 1957 йилда бразилиялик мутахассислар Африканинг ёввойи асалариларини янги асалари турини яратиш учун олиб келишганидан бошланди. Кимнингдир бепарволиги сабаби шундай ёввойи асаларилардан бир нечтаси озодликка чиқади ва шу ерда ўз ҳолича кўпая бошлади. Кейинчалик улар шунчалик тез кўпайишдики, оқибатда янги-янги ҳудудларни забт эта бошлашди.  
Шундан сўнггина бразилиялик мутахассисларнинг бепарволиги инсоният бошига янги бир фалокат келтиргани аён бўлди. Бу орада жаллодлар ҳужумидан минглаб кишилар ноубуд бўлди. Шу тариқа уларга «Асалари жаллодлар»

ШИМИЧ ИТАЛИЯДА  
Утган йилнинг декабр ойида хорватиянинг «Кроация» жамоаси ўйинчиси Дарио Шимич Миланнинг «Интер» жамоаси билан уч йиллик шартномани имзолаганди. Маълумотларга кўра 23 ёшли ўйинчи Италияга кўчиб ўтиши биланок дарҳол 3 миллион долларга яқин пул олади. Шунингдек ҳар йили 920 миң доллар миқдоридики қўшимча ҳақ олади.  
Миланнинг тажрибали мураббийлари истеъдодли бу ўйинчини олдин ҳам «нишон»га олиб қўйишган, аммо ҳал қилувчи ҳужумни ўтган жаҳон чемпионатидан сўнггина бошлашган. Дарио чемпионат ўйинларида хорватларни галабага етаклаш учун анчагина пул сарф қилганди. Айтганча Шимич жаҳоннинг энг зўр ўйинчилари йиғилган «Интер» жамоасидаги биринчи хорват футболчиси ҳисобланади.

«НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Бу ерда ошқозоннинг сурункали яллиғланиши, асаб, жигар, буйрак, тери ва аллергия, қон босими, модда алмашинувининг бузилиши, ички безлар хасталиклари даволанади.  
Соф ҳаво, минерал сув ва бошқа воситалар самарали даволанишга ёрдам беради.  
Клуб, сузиш бассейни, кутубхона, чойхона, савдо дўконлари дам олувчилар хизматида.  
Санаторийга нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан йўлланма олиш мумкин.  
Мулоқот учун телефон: (8-36946) 2-19-65, 2-43-54, 2-43-03, 2-24-80.  
Манзил: Наманган вилояти, Учқўрғон тумани. Учқўрғон-Ниҳол маршрут-ли автобус билан борилади.

ДИҚҚАТ!!!

1999 йил 7 июн соат 11.00да «ҚУН-ДУЗ» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятининг навбатдан ташқари умумий мажлиси бўлади.  
КУН ТАРТИБИ  
1.Бошқарув раисини сайлаш  
Кузатув кенгаши

ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Навоийдаги «Ширин» маданият саройида «Ўзбекистон - Ватаним» кўшиқ кўрик-танловининг шахар босқичи якунланди. Унда шахарда фаолият кўрсатаётган ўн нафар бадий жамоа иштирок этди.  
Бадий гуруҳлар томонидан Ватан, истиқлол ва тинчликни тараннум этувчи кўшиқлар ижро этилди.  
«Ширин» маданият саройининг «Сардор» бадий жамоаси яққоҳон хонандалари Л.Домшенко ва Ф.Давронгов биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ўрин «Фарҳод» маданият саройи яққоҳон ижрочиси С.Кенжаева насиб этди. «Наврўз» маданият уйининг кўшиқчиси А.Ҳойилов учинчи ўринни эгаллади.  
(ЎзА)

ЗИЁРАТГА ЧОРЛАЙМИЗ!

Барча корхона, муассаса раҳбарлари, касаба уюшмалари кўмиталари диққатига!  
Муслмон оламининг энг азиз, муқаддас зиёратгоҳларидан бири ҳисобланмиш Исмоил ал-Бухорий мажмуасини ва шунинг билан бирга қадимий Самарқанднинг оламшумул аҳамиятга эга бўлган ёдгорликларини уюшган ҳолда зиёрат қилишга таклиф этамиз.  
Биз сизларга қуйидаги хизматларни тавсия қиламиз: - жойлаштириш, овқатланиш, экскурсиялар, транспорт хизмати ва ҳоказо.  
САВОБ ИШГА ШОШИЛИНГ!  
Манзилимиз: «Афросиёб» меҳмонхона мажмуаси 703000 - Самарқанд шаҳри, Регистон кўчаси 2, Факс: 3662311044. Тел: 3662312080

ISHONCH  
МУАССИС:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Таҳрир хайъати:  
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Довери»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибнат 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида басилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сопула эркин нарҳда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 23.00